

АБУ АЛИ ИБН СИННОНИГ “РИСОЛА АТ-ТАЙР” АСАРИ ГЕНЕЗЕСИ

Шахло Ҳалимова Тўлқин қизи

Alfraganus University Шарқ филологияси кафедраси ўқитувчиси

E-mail: shahlokhaliyeva41@gmail.com

Аннотация: Ушбу тезисда Шарқ оламнинг буюк қомусий олими Абу Али Ибн Синонинг “Рисолат ат-тайр” асарининг генезеси, яъни келиб чиқиши ва шаклланиши жараёни таҳлил қилинади. Асарнинг илмий ва адабий контексти, манбалари, олимнинг фикрлаш услуби ва асарнинг ўша даврдаги фалсафий, илмий ва адабий воқеликдаги ўрни изоҳланади. Шунингдек, Ибн Сино бу асарни яратишда қандай мақсадларга эътибор қаратганини аниқлаш билан бир қаторда, ушбу рисоланинг бугунги кундаги маънавий ва илмий меросдаги ўрнига ҳам муносабат билдирилади.

Калит сўзлар: Ибн Сино, генезис, рисола, фалсафа, қушнома, Қуръон, тасаввуф, матн.

Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган дидактик руҳдаги “Қушномалар” генезеси илоҳий-муқаддас китоб Қуръони карим билан боғлиқ равишда ўрганилиши энг мақбул йўлдир. Зотан, матншунос олим Нурбой Жабборов эътироф этганларидек: “Матншуносликнинг ўзак муаммоси – матн тарихи ҳақида гап кетар экан, уни ўрганишда мумтоз адабиётимизга поэтик мазмун, поэтик шакл ва ҳатто вазн жиҳатдан ҳам манба вазифасини ўтаган Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни ўрганишда синовдан ўтган илмий услублардан фойдаланиш кутилган амалий натижаларни бериши мумкин.”¹ Илоҳиёт ва табиат бир-бирига узвий боғлиқ. Ёзма адабиётда куш образи мавжудки, у ўзида илоҳий вазифани бажараётгандек. XI-XII асрларда қасидаларга диний-тасаввуфий ҳамда дидактик-тарбиявий мавзуларни ёритишда мажозий образлардан фойдаланиш етакчи ўрин эгаллади. Бу жиҳатдан, қушлар мотиви орқали бадиийлаштирилган лирик асарларнинг ўрни бекиёс. Шу билан биргаликда, бу даврга келиб, худди шу талқиндаги рисолаларнинг бутун бошли анъанаси шаклланди. Бунга Абу Али Ибн Сино (980-1037) “Рисолат ут-тайр” асари билан қадам кўйиб берди. Ушбу асарда Ибн Сино ўз маънавий тажрибаси ҳамда ҳақиқатни топиш йўллариини ёритишга ҳаракат қилди. Асарни умрининг сўнгги даврида Фарддон қалъасида, Ҳамадон яқинида қатл қилинишини кутган ҳолда ёзган. Илм аҳлига тиббиётга оид асарлари ила маълум ва машҳур бўлган Ибн Синонинг ўзи кўпгина асарлари фалсафага қизиқувчи оммага бағишланганлигини эътироф этади. Хусусан, “Китоб ал-

¹ Жабборов Н. Матн тарихи ва унинг генезисига доир айрим мулоҳазалар/ Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. -Наманган, 2021. 9-бет.

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

ҳикма ал-ишроқия”, “Рисола фи-л ишқ” (“Ишқ ҳақида рисола”), “Рисола ат-тайр” (“Куш ҳақида рисола”), “Мабдаъ ва Маод” ва бошқаларда эса ирфоний-тасаввуфий билимлар баён этилиб, бу таълимотлар махсус ашрофлар тоифасига мўлжалланган.² Шарқда тасаввуф таълимотининг асосчиларидан бири машҳур ориф Абулмаж Саной (1131-йилда вафот этган) “Сайр ал-ибод илал Маод” (“Бандаларнинг қайтиш жойига сафари”) номли тасаввуфий асарини Ибн Синонинг “Рисола ат-тайр” ва “Мабда ва Маод” (“Манба ва қайтиш жойи”) асарлари мазмунига тақлид эта туриб, уни шарҳлаб битган. Мутасаввуф шайх Фаридиддин Аттор ҳам ўзининг “Мантиқ ут-тайр” номли тасаввуфий асарини Ибн Синонинг “Рисола ат-тайр” асари мазмунига эргашиб ёзган. Тасаввуф тарихидаги ғоявий боғланиш мўтабар ҳаким Жалолиддин Румийнинг энг машҳур жуда катта ҳажмли тасаввуфий-ирфоний асари “Маснавийи маънавий” гача олиб келади, зеро Румий ўз ирфоний қарашларининг манбайи ҳақида куйидаги байтни баён этади:

*Аттор руҳ буд ва Саной ду чаими у,
Мо аз пойн Саной ва Аттор омадем.*

*Яъни: Аттор унинг руҳи эди ва Саной унинг икки кўзи,
Биз эсак Саной ва Аттор изидан келдик.³*

Юқорида баён этилган фикрлардан аёнки, Марказий Осиё ва Шарқда кўпчилик мўтабар ва атоқли файласуф, ҳаким ва мутасаввуфлар Абу Али Ибн Синонинг назарий таълимотига эргашиб, издош сифатида ўз фалсафий-маънавий, ижодий фаолиятларида унинг меросидан яқиндан баҳраманд бўлганлар.

Абу Али Ибн Синонинг “Рисола ат-тайр” (“Куш ҳақида рисола”) асари тасаввуф фалсафасининг энг кўзга кўринган вакили Шихоб ад-Дин Яҳё Сухравардий (ваф. 1191) томонидан араб тилидан форс тилига таржима қилиниб, анъанавий тарзда унинг асарлари жамланмасидан жой олди ва ўзининг “Рисолайи мусаммо ба сафари Симури” достонининг яралишига замин бўлди. Ибн Синонинг “Рисолат ут-тайр”ининг Европа тилларига бир қанча таржималари мавжуд, хусусан, франсуз исломшунос олими А.Корбин томонидан 1954-йилда нашр этилган арабчадан франсуз тилига шарҳланган таржимасини қайд этиш мумкин. Рисоланинг араб тилидан рус тилига таржимаси шарқшунос филолог Б.Я.Шидфар томонидан, форс тилидан рус

² Болтаев М. Абу Али Хусайн Ибн Синонинг фалсафий-ижтимоий таълимоти.- Б.: Бухоро нашриёти, 2001.- Б.15.

³ Ўша асар.-Б.21.

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

тилига эса Й.Е.Бертелс таржимаси асосида яратилган.⁴ Қиссада ҳикоя қилинишича, қушлар тузоққа тушишади ва оёғида қолиб кетган тузоқни ечиш учун “Буюк Подшо” ҳузурига саккиз тоғни (асарда “букъа деб номланади) ошиб бориши кераклиги айтилади ва уларга ўзларига ўхшаган ва жабр кўрган бошқа қушлар йўл кўрсатишади. Қушлар саккизинчи тоғдан ошиб ўтиб “Буюк Подшоҳ” ҳузурига етиб борадилар. Подшоҳни кўрган қушлар аҳволи куйидагича таърифланади: “Парда кўтарилиб, подшоҳ жамолига кўзимиз тушгач, унга кўнглимиз тушиб, ҳаммамиз ҳушимиздан кетиб, шикоят қилишга ҳам кодир бўлмай қолдик”. Буюк Подшо эса уларнинг дардидан огоҳ бўлиб, оёғидаги тузоқни уни кўйган кишидан бошқа ҳеч ким еча олмаслигини, овчига элчи юбориб, тузоқни ечишини илтимос қилишини айтади.⁵ Ибн Сино қиссани шундай қурадики, гўё ўзи ҳам кейинги воқеаларнинг бевосита иштирокчиси бўлгандек туюлади. Ибн Сино: “Биз ўз тузоғимизга кўникдик, қафасимизда ўзимизни хотиржам ҳис қилдик”-дейиш орқали инсон руҳларини бир пайтлар Худодан узоклашиб, тубан, фоний дунёда паноҳ топган, худди қафасда, ўз танасида камалиб қолган қушларга ўхшатади. Аммо бир лаҳза келадики, бир нечта қушлар ҳали ҳам қафаслардан чиқиб кетишга муваффақ бўлишади: улар учиб кетишди, лекин кишанлар ва арқонларнинг қолдиқлари оёқларида осилган ҳолда қолди, бу уларнинг қафаслардан қочишларига тўсқинлик қила олмади, лекин уларга эркинликдан тўлиқ баҳраманд бўлиш учун имкон бермади. Қушларга қараб, Ибн Сино бирдан ўзига берилган эркинликни эслайди ва унинг қадрига шубҳа қилишга журъат этгани ва қафасга камалиб кўйишига йўл кўйгани учун ўзидан аччиқланади. У қушлардан чиқишга ёрдам беришларини илтимос қилади ва фақатгина қанотларини муваффақиятли бўшатсада, оёқлари боғланган ҳолда қолади. Муаллиф уни қутқаришга ва унга тўғри йўлни кўрсатишга ваъда берган қушлар сурувига эргашишга қарор қилади. Бу лаҳзани Ибн Сино айтаётган қушлар саёҳатининг бошланиш нуқтаси деб ҳисоблаш мумкин.

Рисола мазмунидан англаш мумкинки, уларда ҳақим Ибн Сино маънавий, руҳий ва жисмоний, таний олам, инсон ва Ҳақга оид масалаларни, инсоннинг ғайриақлий қуввати -руҳий кўз билан сирли оламини билиб олиш қобилияти каби мулоҳаза ва кашфиётларни ифодалаган.⁶ Мухтасар қилиб айтганда, Абу

⁴ Федорова Ю. Е. Ибн Сина и Фарид ад-Дин ‘Аттар: две версии легенды о странствии души-птицы к Богу. *Liteга*. 2015;(3): С. 62–90.

⁵Ибн Сино. Тайр қиссаси. А.Ирискулов таржимаси. “Ўзбек адабиёти” Бешинчи том, иккинчи китоб. — Т.: *Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти*, 1968. — Б.322–327

⁶Болтаев М. Абу Али Хусайн Ибн Синонинг фалсафий-ижтимоий таълимоти.- Б.: Бухоро нашриёти, 2001.-Б.15.

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

Али Ибн Синонинг “Рисола ат-тайр” асарида акс этган ғоя моҳияти кейинчалик Ғаззолий, Хоқоний, Аттор ҳамда Навоийдек буюк Шарқ даҳоларининг кушномаларида ўз тадриж ва такомлига етди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ибн Сино. Тайр қиссаси. А.Ирискулов таржимаси. “Ўзбек адабиёти” Бешинчи том, иккинчи китоб. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б.322 – 327
2. Болтаев М. Абу Али Хусайн Ибн Синонинг фалсафий-ижтимоий таълимоти.- Б .: Бухоро нашриёти, 2001. 60 б.
3. Жабборов Н. Матн тарихи ва унинг генезисига доир айрим мулоҳазалар/Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари.Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.-Наманган, 2021. 9-бет.
4. Федорова Ю. Е. Ибн Сина и Фарид ад-Дин ‘Аттар: две версии легенды о странствии души-птицы к Богу.// Litera. 2015;(3): С. 62–90.